

## Илк Ўрта Асрларда Ўрта Осиё Кулолчилиги Хусусиятлари

**Болтаев Бобир Бахтиёрович**

Бухоро давлат университети доценти, т.ф.ф.д.

**Мардонов Рўзимбек**

Бухоро давлат университети магистранти

Ўрта Осиёнинг илк ўрта аср даври Буюк халқлар кўчиши воқеасидан бошланади. Бу ходиса бутун Евросиёнинг марказий қисми ўз қаромоғига олиб келади.

Эрамизнинг III асрида Евросиёнинг ўрта кенглик минтақаларида экологик кризис юз беради. Асрий қаҳатчилик давом этади. Бу ходиса биринчи ўринда дашти биёбон сахро минтақаларида салбий таъсир кўрсатади.

Ёзда ёмғир қишда қор ёғмаслиги натижасида ем ҳашак бўлмай, моллар қирила бошлайди. Бу даврда Марказий Осиёнинг даштларида ҳукмрон бўлиб юрган хунлар, ўз юртларидан қочиб шарқ, ғарб ва жанубда жойлашган ўтроқ маданиятли ҳудудларга бостириб кира бошлайдилар. IV аср манбалари Хитой, Ҳинд, Эрон, Европа тилларида хунларнинг ҳужуми ҳақида ахборот берадилар. Хитой, Ҳинд, Суғд манбалари уларни хун деб атади. Эрон манбалари хионна, рим манбалари хионид ва хун деб атади.

IV – V асрдан бошлаб, ушбу ҳудудларда хунлардан қолган гўристонлар, гўрлар ва бошқа ашёвий далилларни кузатишимиз мумкин. Бевосита Ўрта Осиё тарихий сахнасида ушбу ҳаракатлар археологик жиҳатдан кузатилади. III-IV асрлардан бошлаб Сирдарё бўйлаб асрлар мобайнида ривожланиб келаётган ўтроқ маданиятни жанубга силжишини кузатамиз. Жумладан Қовунчи маданияти ўз ҳудудларини Самарқанд ва Кеш воҳаларига кенгайтиришини кузатамиз.

Бухоро воҳасида Зарафшоннинг ўрта оқимида ўтроқ Қоратов маданияти таъсирини кузатамиз. Хоразм ва Нахшабда Жетисар маданияти таъсирини кузатишимиз мумкин. Бу маданият таъсири Сирдарё оқими бўйлаб юқорига ҳам тарқалади – Кидер ёки кердир маданияти натижада бутун Ўрта Осиёга, жумладан Марғиёна билан Бактрияга қадар, Сирдарё ўрта ва қуйи оқими маданиятларини тарқалганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Ўтроқ воҳаларнинг антик даври кулолсозлик анъаналари йўқолиб боради. Оёқлик қадах ва бошқа бир қатор идишларнинг бир типини йўқолади. Бу даврнинг асосий идишлари кўза, коса, товоқ, қозон, тава хум ва хумчалар. Сопол идишларнинг сифати кескин бузилади. Лойи кулранг ёки сарғиш, ангоб кўпинча лойини рангида.

Давр ўтиши билан кўчиб келган эмигрантлар, воҳаларда маҳаллийлашиб, туб аҳолиси билан қоришган сари кулолчилик санъати янада такомиллашиб боради. Идишларнинг тури кўпаяди. Нақши бойийди. Самарқанд воҳасида сифатли ишланган кружка ва кўзачаларни слуда жина билан безатганлигини кўзатамиз. Энохая маконидаги кўзалар пайдо бўла бошлади.


VIII асрда Ўрта осие ҳудудлари араб ҳалифалигига қўшилгандан сўнг ҳалифа давлатининг чексиз ҳудудларида кенг кўламда савдо-сотик ва технологиялар авжига чиқади. Натижада идишларни сирлаш яъни глазур билан қоплаш технологияси Ўрта Осиёга ҳам тарқалади.

Сирлаш технологиясининг моҳияти сопол идишларнинг ташқи ва ички қисмини ишқор ёки бошқа хом-ашёлар асосида шишасимон моддалар билан қоплаш.

Ўрта Осиёда қадимдан шиша каби селикат маҳсулотларини тайёрлаш маълум бўлган.


1. Египет ёки Рим технологияси.
2. Ҳинд технологияси

Бу технология асосида шўра ва бошқа дашту биёбонларда ўсадиган минерал тузларга бой ўсимликларнинг кўпидан ишқор ишлаб, ишқор эритмасини сопол маҳсулотларига суркаб қайта пишириши натижасида идишларнинг ташқи қисми сирланади. Дастлаб у Ўрта Осиё сирланган буюмларида нур ўтказмайдиган ҳаворанг ҳаворанг идишларни кўришимиз мумкин. Бу технология асосан Сомонийлар даврида тарқаб, қорахонийлар даврида авжига чиқади. То мўғуллар талофатига қадар ривожланиб боради. Тайёрланган товоқ, коса, хурмача ва бошқа шаклдаги идишлар сатҳи юқа оқ ганч воситасида грунтовка қилинади. Ундан кейин қора, жигарранг, қизил бўёқлар воситасида идишларга ранг солинади ва ундан сўнг идишлар сатҳига сир қопланади ва охириги маротаба хумда пиширилади. Натижада нозик дид билан ишланган эпиграфик ўсимлик ва геометрик орнаментлар билан безатилган маҳсулот вужудга келади. Мўғул истилосидан сўнг сополни безаш технологияси ўзгаради. Чунки бутун дунёга мўғулларнинг талон-тарожи туфайли қўлга киритилган чинни маҳсулоти тарқай бошлади ва Бутун Ўрта Осиё, Эрон ва Яқин шарқда чинни идишларни яшашни бадий услуби кучайиб боради. Яъни тоза оқ фон устидан кўк ёки ҳаворанг нақш бериш услуби ҳкмрон бўлиб қолади.




1-расм. Кулолчилик устахонаси режаси  
(Е.Пешерева тадқиқотлари бўйича)

-устахона, Б-устахона олд қисмидаги майдонча, В-тайёр бўлган идишларни қуритиш хонаси; 1- кулолчилик чархи ўрни, 2,3-лой тайёрланадиган махсус ўралар, 4,5,6-идишларни пиширишга мўлжалланган хумдонлар.




2-расм. Кулолчилик чархи ва унинг қисмлари:

а-юқоридаги чарх, б-паст(куйи)даги чарх, в-чарх ўқи (асоси), г-чарх ўқи мустаҳкамланган тош, д-кулол ўтириши учун мўлжалланган тахта(курси), е-ғўла(лой бўлаги)ни қўйиш учун мўлжалланган юза, ж-ғўла қўйиладиган юзанинг олд қисми учун устун, з-кулол оёғи учун тиргак, и-ғўлани тайёрлаш (кориш) учун мўлжалланган юза.



3-расм. Кулолчилик меҳнат қуроллари:

1-хумдонда пишириладиган идишлар тагкурсиси, 2-идишлар деворини силлиқлашда ишлатилган ёғоч текислагичлар, 3-идишга бадий шакл беришда қўлланган ёғоч асбоб, 4-кулолчилик чархини тозалашда ишлатилган ёғоч белкуракча ва безак беришда қўлланилган сопол ашё(диск)лар



Илк ўрта асрлар Суғд кулолчилиги намуналари – кўзалар